Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Обунанинг 1 сўм 90 тийини. Сотувда — 3 сўм.

1992 йил 16 декабрь, чоршанба № 247 (21.345).

КОНСТИТУЦИЯМИЗ—ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС, У ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚЛАРИНИНГ ТУБ МАНФААТЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ ҚОМУСДИР

ИСЛОМ КАРИМОВ МИСРГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Миср Араб Республикаси Президенти Ҳусний Муборакнинг таклифига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 декабрь куни Қоҳирага жўнаб кетди.

Тошкент тайёрагоҳида Ислом Каримовни Олий Кенгаш Раиси Шавкат Йўлдошев, Бош вазир Абдулҳошим Муталов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ЎзА).

НИЛ СОҲИЛИДАГИ ЎЛКА

МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИГА САФАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Инсоният ўзининг «тарихсиз» даврини, яъни тарихга маълум бўлмаган замонларни ривоятлар ёрдамида тасаввур этади ва бу тасаввурлар уни нафақат тарих, балки, илоҳиёт билан ҳам боғлаб туради. Шу маънода Мисрнинг фиръавнлар ҳукмронлик қилган даврлар тарихи мўътабар китобларда қайта-қайта қаламга олинади. Етти иқлимда инсоният яратган етти мўъжизанинг бири сифатида доврўг таратган эҳромлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Шуниси эътиборлики, Миср ҳамиша нафақат сайёҳларни, балки дунёни зир титратган фотиҳларни ҳам ўзига жалб этиб келган ўлкадир. Шунинг учун ҳам фотиҳ зоти борки, Мисрга қўшин тортиб бораверган. Оқибатда қизиқ бир одат пайдо бўлган: ўзининг тарихи ва маданияти бошқаларникидан кўра қадимийроқ эканини исботлашга уринган халқ борки, Мисрга тарихдошлик даъво қилади.

Тарихда жуда кўп босқинларни бошидан кечирган бу дилбар ўлка жуғрофий ўрнига кўра, Африка қитъасининг шимоли-шарқида жойлашган бўлиб, Осиё қитъасидаги Синай ярим ороли ҳам унинг тасарруфига киради. Ҳудуди нисбатан катта (1001, 4 минг квадрат километр) бўлишига қарамасдан, унинг 96 фоизи саҳролардан иборат. Аҳоли, асосан, Нил дарёси бўйларидаги воҳаларда истиқомат қилади. Мамлакат аҳолисининг тиғиз яшаши ҳам ўша ҳудуднинг аксарият қисмини саҳролар эгаллаб ётгани билан боғлиқдир. Ва мана шу тиғиз яшаш миллий иқтисодиётнинг қўшни араб давлатларидагидан тубдан фарқ қилиши сабабларидан бири, дейиш мумкин.

АҚШнинг Яқин Шарқдаги можароларда Исроилга ён босгани туфайли Совет Иттифоқи Мисрни социализм йўлидан бошламоқчи бўлганини эслаш ортиқчадай туюлади. Чунки Мисрда 1952 йили шоҳлик тугатилгандан кейин амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар замирида ташқи таъсирдан кўра, юқорида тилга олинган ички қонуниятларнинг таъсири кўпроқ бўлган.

Мамлакатда монархия тугатилиб, Республика эълон қилингач, 1956 йили умумсўров (референдум) йўли билан биринчи президент сайланди. Жамол Абдул Носир илк Президент сифатида жиддий иқтисодий ислоҳотлар ўтказа бошлади. Натижада, асосан, қишлоқ хўжалигига ихтисослашган мамлакатга бозор иқтисодиёти муносабатлари билан бирга чет эл сармоялари ҳам кириб кела бошлади. Президент Муҳаммад Хусний Муборак ҳам очиқ эшиклар сиёсатини юргизаётгани туфайли Миср Араб Республикасида сиёсатда ҳурфикрлилик, демократик эркинлик, иқтисодиётда эса бозор муносабатларини, хусусан, хусусий секторни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда).

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

15 декабрь куни Ўзбекистон Давлат «Радиоэлектронтехприбор» концерни тизими раҳбар ходимлари ва фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг республика Олий Кенгаши XI сессиясида сўзлаган нутқида мамлакат халқ хўжалиги соҳаси, шу жумладан, республика саноати олдига қўйилган муҳим вазифалардан келиб чиқиб, концерн корхоналарини 1993 — 1995 йилларда ривожлантиришнинг истиқболлари муҳокама қилинди.

Концерн бошқарувининг раиси Ҳ. Н. Тожиев ушбу масала бўйича маъруза қилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан сўзга чиққан раҳбар ходимлар ва фаоллар XI сессияда мамлакат Президенти нутқида баён қилинган қоидаларни тўла қўллаб-қувватладилар. Тармоқ ходимлари олдига қўйилган катта вазифаларни, республика раҳбариятининг ҳозирги иқтисодий сиёсатини маъқуллаб, ундаги ижтимоий ҳолатни кўрсатиб бераоладиган ўзига хос барометр, яъни ўлчови десак хато бўлмас. Агар масалага шу томондан ёндашадиган бўлсак, биринчи Конституциямиз билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Бу ажойиб тарихий ҳужжатнинг ҳар қайси боби, бўлими, ҳар бир моддаси киши қалбида чуқур қониқиш ҳосил қилади. Фахр ва ғурур туйғуларини уйғотади. Истардимки, республикамиздаги ҳар бир фуқаро қалби ана шундай ғурур-ифтиҳор туйғулари билан тўлиб тошсин. Ҳар биримиз жонажон юртимиз қомусини ардоқлаб унга тўла-тўкис амал қилайлик. Унга суяниб яшайлик. Биз Конституцияга ҳурмат, эътиқод руҳидаги авлодни камол топтирайлик.

Камол ЕҚУБХЎЖАЕВ,
Сирдарё вилояти электр тармоқлари корхонасининг бош муҳандиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

ТОШКЕНТ-1992

● МАМЛАКАТ ПРЕЗИДЕНТИГА МАКТУБЛАР

АҲИЛЛИККА ЧОРЛОВЧИ СИЁСАТ

Ҳурматли Президентимиз Ислом Абдуғаниевич!

Мустақил Ўзбекистонимизнинг биринчи Конституцияси қабул қилинган ва бу тарихий воқеани бутун республикамиз меҳнаткашлари қизғин қўллаб-қувватлаб муборакбод этаётган шу қувончли кунларда Сизга чуқур эҳтиром, миннатдорчилик туйғуси билан мурожаат этмоқдамиз ва Ватанимиз тарихида оламшумул аҳамиятга эга бўлган, миллатимизнинг фахри, қадр-қиммати, эрк-ҳуқуқи ифода этилган янги Конституцияда Сизнинг доно фикрингиз, бой маслаҳатларингиз мужассамлигидан, бениҳоя мамнунмиз. Биз шуни тўла дилдан ҳис этиб турибмизки, республикамиз мустақиллик йўлига қадам қўйганидан бери ўтган давр мобайнида Сизнинг ақл-заковат, донолик билан иш олиб боришингиз, келажакни олдиндан тўғри баҳолай олишингиз туфайли республикамизда жуда катта ўсиш-ўзгаришлар рўй берди. Қисқа давр ичида иқтисоднётимиз сезиларли даражада ривожланди, халқимизни ижтимоий ҳимоялаш кескин яхшиланди. Оқилона сиёсат туфайли жонажон Ўзбекистонимизнинг шон-шуҳрати жаҳон миқёсига таралаётганидан, хорижий давлатлар билан алоқаларимиз тобора мустаҳкамланиб бораётганидан фахрланамиз.

Сизнинг ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги саъй-ҳаракатларингиз республикамизда тинч-осойишталикни янада мустаҳкамлаш, қўшни ва қардош халқлар билан бир оиланинг фарзандларидек ҳаёт кечириш борасида олиб бораётган ишларингизни тўласича маъқуллаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Айниқса, қўшни Тожикистон Республикасида рўй бераётган оғир вазиятга ўз муносабатларингиз, беҳуда қон тўкилишларнинг олдини олиш борасида кўраётган чора-тадбирларингиз дилимизга тўла мос тушмоқда. Шу дунё яралибдики, биз тожик биродарларимиз билан бир ариқдан сув ичамиз, бир ҳаводан нафас оламиз. Аҳил кўни-қўшничилик, қуда-андачилик қиламиз. Нафақат тожикистонлик дўстлар билан, балки Ўрта Осиёдаги бошқа халқлар билан бундан буён ҳам асрлар давомида таркиб топган дўстлик ришталарини ҳеч қачон узмасликка ҳамиша тайёрмиз. Биз бунга жавобан ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат билан иш тутиб, куч-қувватимизни аямаймиз.

Биз серқуёш Ўзбекистонимизнинг порлоқ келажагига тўла ишонамиз. Сизнинг раҳбарлигингизда диёримизни гуллаб-яшнатиб, жаҳондаги энг илғор куч-қудратли давлатга айлантирамиз. Халқимизнинг бахт-саодати, фаровон, тинч ва осойишта турмуши йўлида эзгу ишларингизга ҳамиша соғлик-саломатлик, қувват тилаймиз. Бу ишингизда ва курашингизда Оллоҳ ва халқ доимо Сизга мададкор бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН РАЙОНИ МЕҲНАТКАШЛАРИ.

БУ КУНЛАРНИ КУТГАН ЭДИК

Мустақил республикамиз ҳаётида унутилмас воқеа рўй берди. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси қабул қилинди. Бу воқеа ҳаммамизнинг қалбимизни чексиз даражада тўлқинлантириб юборди.

Конституция ҳар қандай жамиятнинг ўзига хос етиклик даражасини белгилайдиган, ундаги ижтимоий ҳолатни кўрсатиб бераоладиган ўзига хос барометр, яъни ўлчови десак хато бўлмас. Агар масалага шу томондан ёндашадиган бўлсак, биринчи Конституциямиз билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Бу ажойиб тарихий



«Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясининг биринчи даражали учувчиси, кема командири Абдулла Араббоев.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ олган сурат.

● БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Тошкент асбобсозлик заводи жамоаси ҳам бозор иқтисоднётининг беозор бўлмаган синовларидан бебаҳра қолмади. Кўп корхоналар бошига тушган «савдо» — хом ашё ва эҳтиёт қисмларнинг буларга ҳам четдан келмай қўйганига анча бўлди. Шерикларнинг 100 миллион сўмлик қарзини узмаётгани эса яна бир қўшимча дард. Бироқ бугунги кун талабига кўра, ҳар бир ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулотни эмас, балки ишчи-хизматчиларни кўпроқ ўйлашга мажбур бўлмоқда. Чунки ишлаб чиқарувчиларсиз ишлаб чиқариш ҳақида гап юритиб бўларми?

Шундай экан, ушбу корхонада ишчиларга эътибор қандай?

Корхонанинг 10-цехида чарҳловчилар меҳнат қилишади. Қорақалпоқ йигити Мақсуд Тожиддиновни шу цехга етакчи дейишди. Биринчи суҳбатдошим қриматар аёли М. Халилова бўлди. Ундан иши, рўзғори хусусида суриштирдим. Аёлда, оналигига борди. Гапни «Аввало, тинчлик бўлсин», дея бошлади. Ушбу яхши тилак ортидан эса республикамизда барқарор тинчлигу, хотиржамликка шукроналар айтди. Қисқаси у — ишидан рози. Уйидан хавотири йўқ. Уч-тўрт мутахассислик соҳибаси. Шогирдлари кўп. 6-7 минг атрофида маош олади. Завод кунига тушлик учун 35 сўмдан пул бераётганидан ҳурсанд.

олувчи ишчи-ходимлар унинг ўн фоиз пулини тўлашади. Қолган асосий қисми эса завод ҳисобидан қопланади.

Демак, қаердаки меҳнаткашга ғамхўрлик бўлса, у ерда силжиш сезилади. Меҳнат аҳли аҳилки, ишида қут, рўзғорида барака бор. Айтиш мумкинки, ушбу корхонани ҳам шундай сифатлар билан сийласа бўлади.

Бинобарин, корхонанинг 1-цехи ўнинчисига ўхшамайди. Фарқи — бу ерда темирга ишлов берувчи асбоблар тайёрланади. Цех етакчиси Анвар Қодиров бу вазифасидан ташқари ХДП завод бошланғич ташкилотига котиб. Кўпнинг кўнглини кўтаришга қодир йигит. Барчани бирлаштириб, яхши

ИШЧИНИ ЎЙЛАГАН ЮТАДИ

Гулчеҳра Қурбонова ҳам шу цехда чархчи. Чархидан чўғ чиқмаган куни ишладим, демайди. Ишлари, ташвишлари хусусида сўраганингиздан зиёда гапиради. Нолишнинг номини ҳам тилга олмайди. Камчиликларни-ку сўрасам ҳам айтмади. «Ҳаммаси жойида», деб жавоб берди. Маъмурият ва раҳбарлар хусусида ҳам ёмон фикр билдиргани йўқ. Қайтанга, уларнинг айбини яшириб, обрўйини ошириб гапирди. Бўлмаса, кимда қусур, қаерда камчилик йўқ, дейсиз.

Дарҳақиқат, корхона маъмуриятининг ишчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга қайишаётгани рост. Бу борада завод касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Шоикром Исроилов далилларини келтирсак:

— Россиядан — диван, кресло, қўл ювгич, Ригадан телевизор, радио, магнитафон, Афғонистондан — аёллар ва эркаклар пойабзали (катта туркумда)... олиняпти ва ҳоказо.

Хуллас, буларнинг барчаси заводга мол айирбошлаш йўли билан келтирилди. Ишчи-хизматчиларга магазин баҳосидан анча паст баҳода сотилди. Ният — моддий рағбатлантиришнинг бу усулини такомиллаштиришдан иборат.

Ишчилар саломатлигини тиклашга ҳам асосий эътибор қаратилган бўлиб, «Чинобод» санаторий-профилакторийси ва Семашко номидаги илмий-текшириш институти билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ушбу даволаш масканларига йўлланма ишни бошлашга қурби етади. Шундай кунлар ўтдики, «Яхшиям сиз бор экансиз, бўлмаса мен бундай маош берадиган ишни ташлаб кетмоқчи эдим», деганларнинг кўпи ўз ҳамкасби — ишчи дўстлари бўлади. Демак, у нафақат ишчини, балки ишлаб чиқаришни сақлаб қолди. Мустақилликни мустаҳкамлаш шарти — тайёр маҳсулот яратишни изга солди.

Қисқаси, бу инсон етакчилик қилаётган цехда ҳам ишлар маромида. Ойига 6—7 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланаётир. Бу цехнинг Собир Аҳмаджонов, Зулхумор Расулова, Замира Бахтиева, Турантой Иномжонов сингари илғорлари бор. Уларни бу ерда, ўз ишининг устаси, дейишади.

Хуллас, цехнинг ғала-говурию, бор шовқин-суроси ортда қолди. Қайтаётганимда учрашганларим — цех ишчилари ёдга тушади. Уларнинг юзида ва кўзида ҳадик йўқлигидан, ишидан севинч ва келажакка ишонч ҳисси балқиб турганидан қалбим қувонади. Чунки корхона маъмурияти қўл қовуштириш билан иш битмаслигини билади. Ечим ўз-ўзидан топилмаслигини тушунади.

Кўпнинг кўнглини кўтарганлар савобга қолишига ҳам ишонишади. Шу боис улар ишчиларни кўпроқ ўйлашмоқда. Шунингдек, ишга қунт қилган ишчини қадрлашни ва режани ушлаганларни сийлашни ҳам унутишгани йўқ.

Ш. РУЗИЕВ.
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● ОБУНА—93

МИНГ ХОНАДОН—ЎҚУВЧИ

«Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1992 йил 15 октябрь сонида босилган «Меҳнатободда газета ўқишмайдими!» сарлавҳали мақола Меҳнатобод район ҳокимлиги, ҳўжаликлар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари иштирокида муҳокама қилинди.

Мақолада тилга олинган барча камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, почта алоқаси хизмати учун Боёвут районидан олинган машина бекор қилинди ва у Меҳнатобод районидан шартнома асосида олинди.

Ҳозирги кунда газета ва журналлар ўз вақтида тарқатилмоқда. Обуна мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан тадбирлар белгиланди. Бу юмушда хато ва камчиликларга йўл қўйганлиги учун «Меҳнатобод», Й. Охунбобоев номли, Ғ. Юнусов номли давлат хўжаликларининг масъуллари А. Остонов, И. Туроқов, М. Комилов ўртоқлар огоҳлантирилди. Ҳозирга қадар район бўйича «Ўзбекистон овози» рўзномасига қарийб 1000 та обуна қилинди. Бу — 1992 йил 1 январга қараганда 525 та кўпдир.

И. ЭРКАБОЕВ,
вилоят ҳокимининг ўринбосари.

КОСИБ ГАЗЕТА ИЗИГА ТУШДИ...

● АЖАБ САВДОЛАР

Денов шаҳрида босиладиган «Садоя Сурхон» вилоят рўзномаси муҳаррири Истам Қосимов ҳузурига кирган одам деди:

— Мен бойсунлик косибман, ҳурматли муҳаррир, мен сизни яхши танийман. Сизга бир хизмат билан келдим. Менга бир тахлам эски газета керак эди.

— Газетанинг эскисини нима қиласиз? Мана, янгисидан олинг, ўқийсиз, — деди муҳаррир.

— Мен газета ўқимайман. Саллашинг тагидан кийдиган қалпоқ тикаман. Унинг астари орасига қоғоз қўйиб тикаман. Эски газет шунга керак, — деди соддагина қилиб.

— Ўша қалпоқнинг ҳар донасини неча сўмдан сотасиз-лар? — деб қизиқсиниб сўради муҳаррир.

— Ҳозир намоз ўқийдиганлар кўпайиб, қалпоғимизнинг бозори чаққон бўлиб қолди, — деди косиб мийғида кулиб.

— Ундоғ бўлса, жўра, иккита қалпоқнинг пулидан кечиб бирорта газетга обуна бўлинг. Шунда қалпоқни эски газетдан эмас, янги газета билан тикасиз.

— Не, ҳурматли редактор, ҳозир Бойсунда одамлар шаҳсий калла учун (маърифат учун демоқчи) обуна бўлмаётганда, мен қалпоқ учун обуна бўламанми? — деди косиб ҳаяжонланиб кетганини ўзи ҳам сезмай.

— Бойсунда 1993 йил учун деярли кўпгина нашрларга обуна дуруст бўлмагаанини сиз қаердан биласиз? — деди муҳаррир ажабланиб елка қисаркан.

— Ҳай, айтдим-қўйдим-да, — деди газет олдирмаслигига кўзи етган косиб кетиш тараддудига тушиб.

— Ҳа, Жўра газета ҳатто қалпоққа ҳам керак. Калла учун эса нечунки! — деди муҳаррир унинг ортидан.

Бу ганга косиб кўп ҳам диққат қилмади. Лекин район ҳокимлиги, вилоят раҳбарияти диққат қилса арзигулик эмасми? Ахир калла борки, газет керак-да. Бўлмаса, қалпоқ бозори бор...

Олимжон УСАНОВ.
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Шарофнома

БОҚИЙ ЭҲТИРОМ



ДУНЕДА НИМА КЎП? Ном кўп! Улкан ном бошқалардан фарқли ўлароқ фикру зикрингни бутунлай қамраб олади, кўнгилнинг тўридан муносиб ўрин эгаллайди. Бироқ очунда ҳеч кимнинг номи ўз-ўзидан чиққанми, деган савол ўртага ташланса, ўйланиб қоламиз: илло ном чиқариш осонмас, у, таъбир жоиз бўлса, игна билан қудуқ қазишдан ҳам юз чандон машаққатлироқ. Шунинг учун дейдиларки, меҳнат билан қозонилган номнинг илдизи чуқур бўлади, шоҳи осмону фалакка етади. Ана шундай улуғ номдорлардан бири, шубҳасиз, Шароф Рашидов эди. Баъзи одамларни, агар зарурат юзасидан бўлмаса, улуғлашга тил бормайди. Негаки, бундай мақтов темир дарвозага урилган нўхотдай бесамар сапчиб тушаверади. Ёпишмайди. Буюк одам эса ҳеч қачон мақтовга муҳтож бўлмаган ва бўлмайди ҳам, зеро, унинг номи ўзи зўр мақтовдир! Шу сабабли, менимча, «Шароф Рашидов ким?» деб сўраб ўтиришнинг ҳеч бир ҳожати йўқ. У — Шароф Рашидов, вассалом!

Нафсиламбирини айтганда, мен шундай дейман-у, Шароф Рашидовни ҳеч қачон ўша кундагидай ҳорғин кўрмаганман.

...1983 йил сентябрь ойи охири, октябрь ойи бошларида Шароф Рашидов ўша кезлари камина раҳбар бўлиб турган Денов районидаги Жданов номли жамоа хўжалиги (ҳозирги «Тожикистон» давлат хўжалиги) дала ишлари билан қизиқди, ташкил этилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўргазмаси билан танишди, ташландиқ жойда янгидан ташкил этилган 3 гектар лимонзорни кўздан кечириб, мамнун бўлди. «Биласизми, — деди у майин жилмайиб, — шунча майдондаги лимонзор 150 гектар янги очилган ердан кўпроқ даромад беради».

Шу ўринда бир изоҳ келтиришни жоиз деб ҳисоблайман: жамоа хўжалиги эндигина давлат хўжалигига айлантирилганди. Ш. Рашидов билан орамизда шундай мулоқот бўлиб ўтди.

— Мева-сабзавот зарар келтирувчи соҳа деган ақида бор. Бу фикрга қандай қарайсиз?

— Агарда етиштирилган ҳосилни тўла-тўкис сотиш имкони берилса, бу соҳа пахтачиликка нисбатан 4—5 марта кўпроқ фойда беради. Масалан: пахтачиликда ҳар бир ишловчи киши ойига кўпи билан 180—200 сўм маош олса, ишчиларимизнинг ўртача ойлик иш ҳақи 700—800 сўмданга тўғри келмоқда, — дедим мен.

— Ў-ҳў, ишларингиз дуруст-ку?! Оддий ишчининг ўйлик иш ҳақи Марказком биринчи котибиникидан юқори бўлгач, қувонмай бўлармишми? Бундан чиқдики, сизлар кўчатчилик билан ҳам шуғулланишларингиз керак экан, — деди Шароф ака хурсанд бўлиб.

Отанинг маслаҳати билан ҳадемай хўжалигимиз йилига 3 миллион туп кўчат етиштирадиган бўлди. Бу, қўшимча тарзда 15—20 минг гектар ерда боғ яратиш мумкин, деган маънони билдирарди.

Агар ҳурматли муштарийларнинг ёдидан кўтарилмаган бўлса, 1983 йили Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги учун боғоят оғир келди. Баҳорги об-ҳаво инжиқликлари устига кузги ёғин-сочин йиғим-терим ишларини кун сайин орқага тортаётган эди. Гарчанд айрим вилоятларда давлатга пахта топшириш режаси кўнгилдагидек кетаётган бўлса-да, аксар район ва хўжаликларда терим суръати жуда паст, бинобарин, кўзланган 6 миллион тонналик марраги эгаллаш хавф остида қолганди.

Ўша куни Шароф Рашидов тўпланган юз чоғли хўжалик раҳбарлари билан бирма-бир қўл бериб сўрашгани эсимда. Адашмасам, у ҳар бир раҳбарнинг исму шарифини номма-ном тилга олди. Фаҳмимча, Ш. Рашидов Ўзбекистон даги жамоа хўжаликлари раислари, давлат хўжалиги директорларининг 90 фоиздан кўпроғини шахсан танир, уларга номма-ном мурожаат қиларди. Айтмоқчи, ҳали йиғилиш бошланмасидан туриб Хоразм вилояти партия қўмитаси биринчи котиби Мадиёр Худойберганов қўнғироқ қилиб, Марказкўм биринчи котибига муҳим гапи борлигини таъкидларкан, «Мумкин бўлса, Шароф Рашидовични телефонга таклиф қилинг», — дея ўтинди. Рашидов икковимиз телефон аппарати турган залга кириб бордик. Ота телефон гўшагини қулоғига тутди. Маълум бўлдики, колхоз тузуминнинг атоқли намояндаларидан бири, Боғот районига қарашли Нариманов номли жамоа хўжалиги раҳбари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Искандар Дўсов вафот этибди. Обкомнинг биринчи котиби дафн маросимини уюштириш учун Рашидовдан маслаҳат сўраётган экан. «Искандар Дўсов улуғ одам эди. Уни иззат-ҳурмат билан дафн этишни ташкил қилинг. Афсуски, дафн маросимида шахсан иштирок этолмайман. Узр. Менинг таъзиямни қабул қилинг. Сўнгроқ, албатта ўтаман», — деди Ота қўллари хиёл қалтираганча телефон гўшагини қўяр экан.

ШУНДАН СЎНГ Ш. РАШИДОВ вилоят фаоллари иштирокида катта нутқ сўзлади. Менинг ён дафтаримда унинг талай фикрлари муҳрланиб қолган. Мана, улардан баъзи намуналар: «Ўзбекларда «Дарахт меваси билан, инсон иши билан қадрли» деган мақол бор. Ваъдавозларга қараб тенглашиш бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Аммо бунда қандай баҳо беришимиз муҳимдир»... «кишиларга олға ҳаракат қилиш, шу билан бирга, унинг ҳаддан ошиб кетмаслигига ёрдам бериш мумкин».

Йиғилишдан сўнг ҳамма меҳмонларни дастурхонга таклиф этдик. Ш. Рашидов ошқовоқ, маккажўхори, тариқдан қилинган анвойи таомларга, сабзи шарбатига бир зум назар солди-да, обком котиби Абдухолиқ Каримовга юзланиб ҳазилпашди:

— Сиз менга бу хўжаликдан туз тотмайсиз, дегандингиз. Менимча, бундай таомлардан тотинмаслик гуноҳ бўлур эди.

Бу сўзлар, албатта, менинг кўнглимни кўтариш учун айтилганди.

Таом ейиш асноси мен Рашидов сўзлаган нутқнинг мағзини чақиб ўтирдим. Чамаси, давра иштирокчиларининг ҳаммаси ҳам шундай қилаётган эди. Баъзан мен бу ёрқин сўзлар Отанинг сурхондарёликларга сўнгги васиятими, деб қўяман, ўзимча. Менга қолса, унинг ерга бўлган муносабат, кадрларни асраш, уларни жой-жойига қўйиш ҳақидаги сўзларини дастуруламал сифатида тез-тез одамларга, айниқса, раҳбарларга эслатиб туриш керак.

Афсуски, орадан бир ой ўтар-ўтмай Ш. Рашидов вафот этгач, у ҳақда гап кетганда, «ҳаммамиз учун ҳурматли» деган кимсаларнинг кўпи унинг ортидан тош отишди, арвоҳини чирқиратишди. Ўшанда Отанинг хўжалигимиз дастурхонидан ичган бир пиёла чойи кейинчалик Ўзбекистон Давлат хавфсизлик қўмитаси ертўласида Гдлян, Иванов қўлида узоқ муддат сўроқ беришимга, жамоа хўжалигининг 16 йиллик фаолияти элак-элак қилинишига баҳона бўлишини қайдан билибман?

Эсимда, қўрқитиш билан ўз ҳукмини ўтказмоқчи бўлган Т. Гдлян навбатдаги тергов чоғида таажжуб билан шундай деганди: «Биздаги ишончли маълумотларга қараганда, Шароф Рашидов кейинги ўн уч йил давомида ҳар гал Сурхондарёга келганда уни зиёфат билан сийлаб тургансан, унга катта миқдорда пора бергансан. Бироқ нега шу чоққача на Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, на СССР Олий Советининг, ақалли Ўзбекистон Олий Советининг депутати эмассан? Шуни ҳам айтиб қўяйки, Рашидов билан оғиз-бурун ўпишган ўттиз тўққизта колхоз раиси (сен эса қирқинчисисан) қамоққа олиниб айбларига чин дилдан иқрор бўлишди. Уларнинг ҳаммаси ҳам шу ерда ётишипти — оёқлари билан ертўлани тепиб кўрсатди у. — Шунинг учун уларга нисбатан жазо чораларини енгиллатамиз. Сенга ҳам шуни маслаҳат бераман. Йўқса, ўзингдан кўр, суякларингни шу ертўлада чиритаман».

Мен Жданов номли жамоа хўжалигига 1970 йилдан бери раис бўлиб турган чоғимда Шароф Рашидов ҳаммаси бўлиб беш марта бу ерга хизмат юзасидан келганини ва албатта, удумимизга кўра ҳар бир меҳмон каби унинг бир пиёла чой ичганини айтдим. Бироқ тирноқ тагидан кир излаган тергов-чилар асосли далилларга қулоқ солармиди, дейсиз? Ҳатто улар камерага бир иғвогарни киритиб, «гуноҳим»ни бўйнимга олдиришга уриниб кўришди. Бўлмади. Икки ярим йиллик сарсон-саргардонликдан кейин «москвалик десантчилар» мени ўз ҳолимга қўйишга мажбур бўлдилар. Бироқ қолган 39 нафар колхоз раиси турли муддатларга қамоқ жазосига ҳукм қилинди, уларнинг кўпчилиги ҳибсхонада ҳеч бир гуноҳсиз ўлиб кетишгани эндиликда ҳеч кимга сир бўлмаса керак.

— Эҳ, Менгқобил, бу йил кузни кўнгилдагидай якунлай олармиканмиз? — Ота ўша охирги гал учрашувда андуҳ билан деганди. Хуллас, Ота кўнглимни ғашлаб кетди. Менинг хотирамда эса у билан учрашган узоқ 1951 йил жонланди.

...Август ойи эди. Шўрчи районидаги бизнинг Култепа қишлоғимизга ортидан қалин чанг кўтарган «Победа» автомашинаси келиб тўхтади. (Ўша маҳаллари ҳукумат аъзолари «Победа»да юришарди). Ундан уст-бошига эниб қолган чангтўзонни қоқа-қоқа уч киши: район партия қўмитаси биринчи котиби Алиқул Бойбўтаев, вилоят партия ташкилоти биринчи котиби Ориф Ҳакимов ва Шароф Рашидов келиб тушишди.

Рашидов деганлари новчадан келган, озғин, чайир жуссали, юзларидан нур ёғилиб турган, хушсурат киши экан. Ўзбекистон Олий Совети Президиуми Раиси лавозимига эндигина кўтарилган, Сурхондарё вилоятига илк сафар қилган Ш. Рашидов 1931—1936 йилларда Жиззах, Ғаллаорол районлари партия қўмитаси биринчи котиби бўлиб ишлаган тоғам Абдужаббор Норқобиловни йўл-йўлакай кўриб ўтмоқчи бўлган экан. Тоғам ўша кезлари Шўрчи районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигини бошқарарди.

Шароф Рашидов тоғам билан «Устоз!» деб самимий қучоқлашиб кўришаётиб, шерикларига: «Мен шу кишининг қўлидан комсомол билетини олганман», — деди ғоят сиполик билан.

Меҳмонлар тоғамнинг уйи ёнидаги сўрига ўтиришди. Ҳол-аҳвол сўрашилгач, дастурхон ёзилди. Кези келганда бир фикрни айтмасам бўлмас. Сурхондарёда меҳмон шарафига, одатда, қўй сўйилиб, тандиркабоб қилишдек азалий удум борлигини кўпчилик билса керак. Аммо бу гал қоидадан истисно тариқасида дастурхонга уграли шўрва тортилди. Кейин билсам, азиз меҳмоннинг ошқозон яраси бор экан. Дастурхонга фотиҳа тортилгач Ш. Рашидов ошпазлик вазифасини бажарган янгамга самимий миннатдорчилик билдирди.

ДАВЛАТ АРБОБИ, қолаверса, адибга сира-сира ўхшамайдиган Рашидов ўша саодатли соатларда камтар инсон сифатида менда — меҳмонларга хизмат қилиш зиммасига юклатилган йигитчада катта таассурот қолдирди. Шундан кейин ҳам Рашидов то тоғам оламдан ўтгунга (1975й) қадар Сурхон воҳасига қилган сафарлари чоғида ундан ҳол-аҳвол сўрашни канда қилмади.

Рашидов сиймосида яна бир эзгу одат мужассам эди: вилоятларга чиққанда эски кадрлар, собиқ хўжалик раҳбарларини бир жойга тўплаб «Сизларни бир кўриб кетай дедим» — деб, уларга бирга ишлаган йиллар учун миннатдорлик билдирарди. Хусусан, Шоҳмардон Қобулов, Муҳаммади Келдиев, Бобораҳмат Юсупов, Жума Ҳамидов, Усмон Дониёров, Абдужаббор Норқобилов, Алимардон Диёров, Абди Қодиров каби катта тажриба соҳиблари бўлган эл кайвонилари билан маслаҳатлашар, агар эҳтиёж туғилса, ҳеч бир тортинмасдан улардан йўл-йўриқ оларди. Шунинг учун, таъбир жоиз бўлса, унинг қадами етган жойда гул унарди. Мавриди келиши билан биздек раҳбарлардан сўрарди: «Хўш, эски гвардиядан хабар олиб турибсизларми?» Водариғ, бу эзгу одат ҳозирги юқори лавозимли кадрлар орасида камдан-кам учрайди.

Гоҳо яккама-якка, гоҳо умум суҳбатида бўлиб, шунга имон келтирдимки, у оддий халқ билан мулоқотга интилар, унинг дардини сабр-тоқат билан тинглар, керак бўлганда, ҳурматини жойига қўйишни биларди.

1959 йилнинг марти. Мен Ўрта Осиё молия олий билимгоҳини тамомлаб, Шўрчи район давлат банки бўлимида аввал мубошир (инспектор), сўнг бошқарувчи бўлиб ишлаётгандим. Эрталаб соат 5 да район партия қўмитаси биринчи котиби Алиқул Бойбўтаев менга сим қоқиб, деди: «Тез етиб келинг, кеча Ўзкомпартия Марказий Қўмитаси пленуми бўлиб ўтди. Унда ўртоқ Шароф Рашидов Марказкўм биринчи котиби лавозимига сайланди. Шароф Рашидович ўзининг илк нутқида Сурхондарёда маҳаллий кадрлар жуда камлигини кескин танқид қилди».

Дарҳақиқат, ўша кезлари район, вилоятнинг раҳбар бўғинларида маҳаллий миллат вакиллари деярли йўқ эди. Хуллас, А. Бойбўтаев билан биргаликда вилоят марказига юрагим така-пука бўлиб бордим. Вилоят партия, совет фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Мени вилоят молия бўлими бошқарувчиси қилиб тайинлашди. Гапнинг сирасини айтганда, Шароф Рашидовнинг талаби билан бир-бир ярим йил ичида Сурхондарёнинг партия ва совет ташкилотларида маҳаллий кадрлар салмоғи сезиларли даражада ошди, вилоят иқтисодиётида ҳийла жонланиш юз берди. Шу чоққача бир километр ҳам асфальтланмаган вилоят йўллари оммавий равишда асфальтлана бошлади, одамлар тўқ, фаровон, маданий яшай бошлади.

Сиймосида катта бир ички маданият зуҳур бўлган Рашидов феъл-атворидаги бир одатни—қуриган дов-дарахтларни, шох-шаббаларни хурофий бир туйғу билан ёмон кўришни яхши билганимиздан, ҳар гал унинг ташрифи чоғида йўлида учраши мумкин бўлган ана шундай тол, теракларни, шох-шаббаларни кестириб ташлардик. Яна бир тафсилот: Рашидов билан узоқ йиллар мулоқотда бўлиб, шу нарсага амин бўлдимки, у ўзидан қуйи мансабдаги шахсга бирон-бир марта қаттиқ гапирмаган.

(Ҳар ҳолда менинг Ота билан бўлган қирқдан зиёдроқ мулоқотим чоғида бирон марта бўлсин, унинг бировга зуғум ўтказганини, хафа қилганини эслолмайман), ўта маданиятли, замонасининг якто фарзанди эди. Рашидовнинг табиати ғоят нозик, сал нарсага ранжирди, аммо ғазабини сира сиртига чиқармас, тагдор қилибгина қараб қўярди. Яна: у сафар чоғида ортига қараб юришни ёқтирмасди. Шу сабабли, унинг йўли ўтадиган алоҳида йўналиш ишлаб чиқариларди. Бундай кезлари кўпинча боши берк кўчадан мувоққат ўтиш жойи солинар, кейин у доимий йўлга айланиб кетарди. Ҳа, унинг Сурхондарёга, Деновга ҳар галги ташрифи биз учун катта воқеа, ажойиб тарбия мактабига эга бўларди.

ЎЗБЕКИСТОН Мустақил ривожланиши палласига кирди. Афсуски, Шароф Рашидов бугунги шарофатли кунгача етиб келолмади. У пайтларда ҳозиргидек эмин-эркин ишлаш қаёқда эди? Кўпинча «Московнинг қулоғи» бўлган «иккинчи»сиз иш битириш қийин бўларди. Бунинг устига Марказдаги акобирлар «ҳап сенимі?» деб туришларини, пайтини топишлари билан ишдан бўшатиб ташлашлари мумкинлигини ҳаммамиз ҳам ички бир дард билан тушуниб турардик.

Мен унинг хурсандчиликда қаҳқаҳа уриб кулганини, астойдил хафа бўлган кезларида ғилт-ғилт ёш олганини кўрганман. Унинг хурсандчилигига кўпинча оддий меҳнат кишисининг мақтовли иши боис бўларди. Ҳозир биз пулдорларни оғиз кўпиртириб кўтар-кўтар қилсак, Рашидов даврида ноз-неъмат бунёдкорлари — оддий чўпон, пахтакор кўкларга кўтариб мақталарди. Шунинг учун ҳам биз ўзбек халқининг Амир Темур, Улуғбек, Навоий Бобур каби улуғ фарзандлари билан бир сафда турадиган Шароф Рашидовни «Ота» деб улуғлардик. Булар халқнинг Рашидовга бўлган боқий эҳтиромми эмасми?

Шароф Рашидов хатолари ҳақида хом сут эмган бандалар, миллатнинг катта-кичик хоинлари хўп ноғора қоқишди. Бироқ бир нарса аниқ: Шароф Рашидовни халқ тарбиялаб етиштирди, шунинг учун ҳам унинг сиймосида халқ донишмандлиги мужассам эди. Ривоят қиладиларки, бир хил учар юлдузлар сайёрамиз узра юз йилда бир марта кўриниш берар экан. Рашидов ҳам ана шундай юз йилда бир марта туғиладиган ўзбекнинг асил ўғлонидир. Ҳа, ёруғ жаҳонда Рашидовдай мумтоз зотлар кам учрайди.

Менгқобил НОРҚОБИЛОВ,
Сурхондарё вилояти, Денов районидаги «Хазорбоғ» давлат хўжалиги-техникуми директори.

• *ХДП ҳаётидан*

МАТБУОТ ТАРҚАТИШДА ЎЗГАРИШ БЎЛАДИ

Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоятн кенгашнинг ижроия бюроси ўзининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида матбуот тарқатиш масаласини кўриб чиқди.

Вилоятда бу йил матбуотга обунани ташкил этиш муваффақиятли ўтди. Натижада қатор районлар, хўжаликлар, ўқув муассасаларида бу борада бирмунча яхши натижаларга эришилди. Хусусан, Оқолтин, Сирдарё, Боёвут районларида «Ўзбекистон овози» газетаси обуначилари сони 2,5 — 3 минг кишига етди. Боёвут районидаги Ленин номли жамоа хўжалигида 300 кишига бепул обуна ўтказилди. Сирдарё районидаги «Синдоробод» жамоа хўжалигида эса бу кўрсаткич 1000 кишига етди.

Лекин эндиликда асосий вазифа газета ва журналларни обуначиларга вақтида етказиб беришда қолган. Лекин афсуски, бу ишда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Вилоятдаги 2535 автокорхона (директори Н. Краснов), Сирдарёдаги 2513 автокорхона (директори М. Качкаров) айби билан газеталар ўз вақтида обуначиларга етказилмаётир. Гулистон шаҳридаги автокорхонада тез-тез почта хизмати учун машина ажратилмай қолиш ҳоллари рўй бермоқда. Шу ташкилот айби билан 9—11 октябрь кунлари вилоят почтаси учун машина ажратилмади. Меҳнатобод, Ш. Рашидов районларига вақтли матбуот, почта етказиш ишлари жиддий муаммолигича қолмоқда.

Афсуски, вилоят «Сирдарётранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари бу масалага етарли эътибор бермаётирлар.

Ижроия бюро мажлисида бу борадаги муаммоларни ҳал этиш, обуначиларга матбуот нашрларини вақтида етказиш чораларини кўриш юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Самарқанд чинни заводида тайёрланган маҳсулотлар харидорларга манзур бўлмоқда. Айниқса, шарқона услубда ишланган лаган, чойнак-пиёла, коса ва бошқа совға буюмларини истеъмолчилар севиб харид қилишяпти. Самарқанд чинниси хорижлик меҳмонлар эътиборини ҳам ўзига жалб этмоқда.

СУРАТДА: корхона илғор ишчиси Зуҳра Эшонқулова.

Умарали ХУШВАҚТ олган сурат.

• *Луқма* •

УЗОҚҚА БОРМАГАН ҚУВОНЧ

Сирдарё районидаги «Сирдарё» давлат хўжалиги «Ҳақиқат» участкасида одамлар ҳайрон. Тўғри, уч йил илгари бу ерда газлаштириш ишлари бошлаб юборилиб, одамларнинг кўнгли тоғдек кўтарилганди. Лекин қишлоқ аҳлининг қувончи узоққа бормади. Негаки, газчилар ишни ниҳоясига етказмасдан негадир қурилиш-монтаж ишларини тақа-тақ тўхтатиб қўйишди. Мана, уч ойдан бўён меҳнаткашларнинг бормаган жойлари қолмади ҳисоб. Хўжалик раҳбарлари «Маблағимиз етишмайди» дейишдан нарига ўтишмаяпти.

Дарвоқе, лойиҳа бўйича «Ҳақиқат» участкасидаги газлаштириш ишлари тугаллангач, бу юмуш хўжалик маркази «Гигант» қўрғонида давом эттирилиши керак эди. Афсуски, ҳали-вери қишлоқ хонадонларига табиий газ келадиганга ўхшамайди.

Ёнингдан табиий газ қувури ўтса-ю, ундан баҳраманд бўлолмасанг. «Бўзчи белбоққа ёлчимас» деб шунга айтсалар керак-да.

А. ИМОМОВ.

ХОРАЗМЧА «МЕРСЕДЕС»ЛАР?

Германиядаги машҳур «Мерседес—Бенц» фирмасининг бир гуруҳ мутахассислари Хоразмга келиб кетишди. Уларнинг мақсади ўзбек машинасозлари билан биргаликда Дўстлик шаҳрида ихчам автобуслар ва юк машиналари ишлаб чиқарадиган корхона барпо этишга оид тайёргарлик ишларини ўтказишдан иборат эди.

Бу ғояни амалга ошириш учун агрегат заводи танлаб олинди. Бу корхона Туямўйин сув омбори иншоотлари билан бир мажмуа тарзида барпо этилган, аммо тўла-тўкис битмай қолиб кетган эди. Ҳар ҳолда бу ерда катта-катта ишлаб чиқариш майдонлари, маъмурий-маиший бино, компрессор станцияси, тозалаш иншоотлари, газ таъминоти қувурлари фойдаланиш учун топширилган. Энг янги техника, шу жумладан рақамли дастур асосида бошқариладиган дастгоҳлар харид қилинган. Бу маҳобатли иншоот жуғрофий нуқтаи назардан жуда яхши жойлашган. Амударё соҳилидаги корхоналарнинг ёнгинасидан темир йўл ва ер ости йўлаги. Шу атрофда уй-жой шаҳарчаси, дўконлар, тиббий маданий-маиший муассасалар қурилган.

Немис муҳандислари билан лойиҳачилари ҳозир ҳаракатсиз турган корхонани кўздан кечиргач, ундаги иншоотларни босқичма-босқич ишга тушириш, мавжуд машина-ускуналарни синашга киришиш керак, деган хулосага келдилар. Аммо бу ерда қўшма корхона барпо қилиш учун ҳали яна баъзи биноларни қуришга ва мавжудларини мослаштиришга тўғри келади. Уларнинг фикрича, ҳозирнинг ўзидаёқ маҳаллий аҳолидан мутахассис ходимлар тайёрлаш ҳақида ўйлаш керак. Муҳандис—техник ходимлар «Мерседес—Бенц»нинг илмий марказларида махсус қайта тайёргарликдан ўтадилар.

Мухбир билан суҳбатда меҳмонлар дастлабки автомобиллар қачон ишлаб чиқарилишини аниқ айта олмасликларини уқтириб ўтдилар. Бунинг учун бир неча йил биргаликда куч-ғайрат сарфланиши керак бўлади. Бу ерда машиналарнинг айрим қисмларини ишлаб чиқарадиган бўлим барпо этишдан ташқари машинанинг ҳаракатланувчи қисмларини тайёрлайдиган каттагина корхона ҳам қуриш кўзда тутилмоқда. Мана шундан кейингина ихчам автобуслар, юк машиналари, истиқболда эса енгил автомашиналарни ҳам йиғиш йўлга қўйилади.

Немис фирмаси вакилларини Хоразм вилояти ҳокими М. Жуманиёзов қабул қилди.

Ю. ИБРОҲИМОВ,
ЎзА мухбири.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ОМОН БУЛСИН «СИТОРА»!

Самарқанддаги кўп қариялар фотиҳага қўл очишса, «Ситора»нинг омадини берсин» деб дуо қиладиган бўлишди. Бу бежиз эмас.

«Ситора» кичик корхонаси қисқа давр ичида қарияларнинг чинакам ҳомийсига айланди.

— Кексаларни қарилик эмас, балки ишсизлик чарчатади,— дейди корхона раҳбарлари. Шу боисдан биз ишбилармон отахон, онахонлар учун машғулот топиб бераяпмиз. Маҳсулотларимизнинг маълум қисми ана шу тиниб-тинчимас кишилар меҳнатидан тайёрланмоқда. Умуман ишчиларнинг 60 фоизи нафақахўрлардир.

ҚУЙНИДАН ТУКИЛСА — ҚУНЖИГА

Ҳозирги иқтисодий тақчиллик шароитида жамоа аъзоларига моддий ёрдам кўрсатиш барча маъмуриятнинг ҳам қўлидан келавермайди.

Ана шундай пайтда Ховренко номли Самарқанд вино комбинати дирекцияси саховат кўрсатди. Қишлик озиқ-овқат маҳсулотларини жамғариб олиш учун ҳар бир ишчи-хизматчига уч минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди. Бу эса корхона бўйича қарийб икки миллион сўмга етди.

— Мустақиллик туфайли ўз маблағимиздан ўзимиз фойдаланиш имкониятига эга бўлдик, — дейди комбинат директори Нормуҳаммад Эшонқулов. — Биз ўзимизда ишлаб кетган нафақахўрларни ҳам моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб турибмиз.

Фармон ТОШЕВ.

НИЛ СОҲИЛИДАГИ ЎЛКА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

МАР Президенти М. Ҳ. Муборак олиб бораётган сиёсат бугун мамлакат ичкарисида ҳам, ташқарисида ҳам, ўзаро яраш ва мўътадилликни назарда тутади. Бу яраш нафақат азал-азалдан ер ва чегара талашиб уришиб келган Миср ва Исроил ўртасидаги сулҳни, балки кейинги пайтларда араб давлатлари ўртасида вужудга келган айрим қарама-қаршиликларни ҳам бартараф этишни кўзлайди. Қўшилмаслик ҳаракатига аъзо мамлакат раҳбарияти учун қардош араб давлатларининг ўзаро тинч-тотувлигини таъминлаш ҳамиша долзарб масала бўлиб қолмоқда. Бу бир жиҳатдан унинг жуғрофий ўрни билан ҳам боғлиқ. Осиё ва Африкани боғлаб турувчи бу давлат Африка ва Осиё қитъаларидаги араб мамлакатларини ҳам ўзаро боғлаб туради. Ироқ қўшинлари Қувайтга бостириб кирган вақтда араб дунёси бирдамлигига жиддий путур етган эди. М. Ҳ. Муборак бирдамликни қайта тиклаш учун озмунча ҳаракат қилдими? Араб давлатлари бирдамлиги бир қарашда ягона пойдевордай туюладиган эътиқод бирлигигагина асосланмаган. Бу бирдамликнинг уч илдизи бор: сиёсий, иқтисодий ҳамкорлик ва умумий мудофаа қобилияти.

Миср Президенти миллий лойиҳасининг ички сиёсат бобидаги асосини кўппартиялилик ташкил этса-да, амалда бу тамойил биз боя эслаб ўтган ярашга асосланади. Мамлакат аҳоли сони иқтисодий кўрсаткичларга нисбатан тезроқ ўсаётган бир шароитда иқтисодиётни ривожлантириш учун зарур бўлган сиёсий барқарорликни таъминлаб туради. Миср раҳбарияти сиёсий эркинлик ва иқтисодий тараққиёт мутаносиблиги тарафдоридир.

Инсоният маданияти ва тарихининг бешиги бўлган бу дилбар мамлакатда бепоён кенгликларни ҳам, Осиёдаги яроқли ерлар тақчиллиги боис саноати тараққий этган мамлакатларга хос тиғизликни ҳам, европача ҳаёт тарзидан тортиб, ўрта асрлардан бери давом этиб келаётган сўфийликни ҳам — барча-барчасини кўриш мумкин. Уларни бирлаштириб турадиган бир ҳол бор. У ҳам бўлса, мамлакат раҳбариятининг яраш ва мўътадиллик сиёсатидир. Ушбу сиёсат туфайли Сувайш канали тўла Миср тасарруфига ўтди. Синай ярим ороли Исроилдан қайтариб олинди.

Энди Ўзбекистон билан Миср Араб Республикаси ўртасидаги мунасабатлар масаласига келсак, бу мамлакат иқлим жиҳатидан ҳам, мамлакат иқтисодиётининг, асосан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан пахта етиштиришга ихтисослашгани, қолаверса, бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидаги тажрибалари билан ҳам республикамизга жуда қулай ҳамкор бўлиши турган гап. Бундан ташқари, Миср саноати етиштираётган маҳсулотлар Ғарбий Европа мамлакатлари бозорига дадил кириб бормоқда. Бу, шак-шубҳасиз, мамлакат миллий иқтисодиётининг шоҳтомири бўлган хусусий мулкни рағбатлантиришга оид ҳукумат тадбирларининг мевасидир.

Келгусида Ўзбекистонда иқтисодиётнинг миллий шаклини яратиш учун Миср тажрибаси, албатта, асқотади. Шу жиҳатдан мамлакатимиз Прозиденти Ислом Каримовнинг бу дилбар ўлкага бошланган расмий сафаридан улкан натижалар кутиш мумкин.

Фахриддин НИЗОМ,
ЎзА мухбири.



Миср — ёдгорликларга бой мамлакат.

«ЮЗСИЗ» СУРАТГА ОЛИНМОҚДА

НАМАНГАНДАГИ вилоят матбуот уйида «Ўзбекфильм» киностудияси ижодкорлари «Юзсиз» фильмини суратга олишмоқда.

— Бу фильм журналистлар ҳаётидан олинган бўлиб, комедия йўналишида бўлганлиги учун ҳам суратларни матбуот уйида оляпмиз, — дейди режиссёр Исмат Эргашев. — Томошабинлар рангли фильм орқали кулгили, сатирага бой воқеалар билан танишадилар. Асосий ролларни таниқли артистлардан Эркин Комилов, Ҳожиакбар Нурматов ҳамда Дилором Эгамбердиева, Шоҳсанам Йўлдошева, Юлдузой Ҳакимова-лар ижро этишмоқда. Суратга олиш ишларини Риффат Иброҳимов амалга оширмоқда. Фильм келаси йили томошабинлар эътиборига ҳавола этилади.

Турғунпўлат СУЛАЙМОНОВ.

• *Ҳокимлик тизимларида*

ФАОЛИЯТ САРҲИСОБИ

Яқинда кенжа вилоят маркази — Навоий шаҳрида халқ депутатлари шаҳар кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда шаҳар кенгаши депутатлари билан бир қаторда ташкилот ва бошқармалар раҳбарлари, жамоат чилик вакиллари иштирок этди.

Сессияда шаҳар ҳокими Бахтиёр Ҳамдамов 1992 йилдаги амалий фаолияти тўғрисида ҳамда 1993 йилда шаҳарни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари хусусида батафсил ҳисоб берди.

Нотиқ ўз ҳисоботида 84 миллат ва элат вакили яшаб, самарали меҳнат қилаётган саноатчилар ҳамда кичик корхоналар шаҳрида иқтисодий қийинчиликларга қарамай туб ўзгаришлар қилинаётганини қайд этди. Айниқса аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, кам таъминланган оилаларга ғамхўрлик кўрсатиш, меҳнат фахрийлари ҳамда нафақахўрларга Президент фармонлари асосида имтиёзлар яратиб бериш борасида шаҳар ҳокимияти муайян ишларни амалга оширди.

Шунингдек, ҳоким ўз маърузасида Навоийдаги экологик муҳитнинг оғирлигини, саноат корхоналари атроф-муҳитни муттасил зарарлаётганини, натижада инсонлар саломатлигига путур етаётганини ва бу ўринда шаҳар ҳокимияти белгилаган чора-тадбирларни шарҳлади. Дарҳақиқат, йирик саноат корхоналари, жумладан «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, машинасозлик ва механика заводи, кон-металлургия комбинати, цемент заводи, Навоий ГРЭСи мазкур ҳудуддаги табиат мувозанатига қаттиқ зиён етказмоқда. Бундан нафақат шаҳар аҳолиси, балки шаҳаролди районлари бўлган Навоий, Навбаҳор, Қизилтепадаги кўплаб фуқаролар ҳам азият чекмоқда. Ана шундан бўлса керак айни пайтда аксарият кимё ва саноат корхоналаридаги заҳарли цехлар ёпилиб, уларнинг ўрнига халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган ва табиатга зарари бўлмаган цехлар қуриб ишга туширилмоқда. Бунга мисол қилиб Электрлашган кимё корхонасидаги котаран ва изофен цехлари ўрнига турли халқ хўжалиги учун зарур бўлган хом ашёлар, ёнилғи солиш идишлари, рўзғорбоп буюмлар тайёрлаш дастгоҳлари қурилганлигини қувонч билан айтмоқ жоиздир.

Энг муҳими, шаҳарда ишбилармонликка кенг ўрин берилаётгани ва кичик корхоналарнинг кескин кўпайиб бораётганлигидир. Кейинги 9 ойда Навоийда 94 та у ёки бу маҳсулот тури ишлаб чиқарадиган кичик ва қўшма корхоналар очилди. Натижада қарийб 1 миллиард сўмлик қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Ҳаммасидан ҳам корхоналар кўпайиб қолганлиги ишсизликни туғатишга, айниқса ёшлар учун муҳим иш ўринлари барпо этишга хизмат қилмоқда. Ҳоким шунингдек, шаҳардаги қурилишлар кўламини кенгайтириш, ичимлик сув муаммосини ҳал этиш, Дамхўжа қувурли сув йўли қурилишини тезроқ ниҳоясига етказиш хусусида ҳам тўхталди. Айниқса, Президент фармонлари ижроси ҳоким маърузасининг асосий мазмунини ташкил этди.

Маъруза юзасидан бўлган музокараларда кон-металлургия комбинати бўлим бошлиғи, депутат А. Дудченко, 23-автокорхона директори депутат Т. Самадов, «Знамя дружба» вилоят рўзномаси муҳаррири Е. Загоскин, Навоий қурилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари У. Акрамов, «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси В. Лагода ва бошқалар сўзга чиқишиб, ўзларининг қимматли таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар ҳамда шаҳар ҳокимининг ўтган даврдаги иш фаолиятига қониқарли баҳо бердилар.

Сессия ишида вилоят ҳокими, Ўзбекистон халқ депутати А. А. Айдарқулов қатнашди ва сўзга чиқди.

Шунингдек, халқ депутатлари Хатирчи ва Қизилтепа районлари кенгаши сессиялари ҳам бўлиб ўтди.

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

НАМАНГАН РАДИОСИ 60 ЁШДА

Наманганда маҳаллий радионинг 60 йиллиги тантанали нишонланди. Вилоят радиоси ташкил этилган дастлабки кунданоқ инсон ва унинг муаммолари, ташвишу қувончлари наманганлик радио журналистларнинг диққат марказида бўлди. Ижодий ходимларнинг ҳозирги авлоди ҳам шу қоидага амал қилмоқда.

Наманган вилоят ҳокими вилоят радиосининг 60 йиллик юбилейи муносабати билан қарор чиқарди. Қарорга биноан маҳаллий радио эҳтиёжлари учун қўшимча маблағ ажратилди. Намуна кўрсатган радио журналистларни рағбатлантириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

(ЎзА мухбири)

Марҳамат районидаги Охунбобоев номли давлат хўжалиги асосан чорвачиликка ихтисослашган. Бу ердан Андижон вилояти хўжаликларига йил — ўн икки ой мобайнида зотдор сигирлар етказиб берилади. Айни пайтда наслчилик хўжалиги чорвадорлари район аҳолисини гўшт ва сут маҳсулотлари билан ҳам таъминлаб туришади.

Хўжаликда қишловга пухта тайёргарлик кўриб қўйилган. Оғилхоналар қайта таъмирланиб, қишки мавсум учун етарли озуқа тўпланган.

Суратда: давлат наслчилик хўжалигининг илғор сут соғувчиси Ферузахон Умарова. У кунига ҳар бош сигирдан 10-14 литрдан серқаймоқ сут соғиб олмоқда.

Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

ҚЎЛИ ТЕККАННИНГ — ОҒЗИ ТЕГАДИ

Кўз тегмасин, Сайхунободнинг «Янгиобод»ликлари ҳам шоли ўстириш ҳадисини анча-мунча эгаллашибди. Уларга оз, бизга кўп — 9 минг тонна ҳосил кўтаришибди, азаматлар. Яхши ният — келгуси йилда экишни дилга тугиб, унинг 2 минг тоннасини уруғлик учун асраб қўйишибди.

Гуручнинг дўконга келганини меъёрга, бозорда борини эса чўнтакка қараб оладиган бугунги кунда шоликорларнинг аҳволи чакки эмас. Харидорлар ҳам ўзлари — асосан сайхунободликлар. Бунинг сабаби шуки, деҳқон шоликор билан тез тил топишади. Савдосини ҳам осон келишади.

Айтгандай, бу йил Эшмамат Юсупов, Қадақбой Шаҳоновда гуруч кўп. Чунки улар бўлимида ҳосил зўр бўлган. Отақул Примов, Қўчқор Бобомуродов, Нурмамат Боймоновларга ўхшаган бригада етакчилари ҳам бу масалада иши тушган одамни, албатта, хурсанд қайтаришади. Ахир улар ҳам 55—60 центнердан ҳосил кўтариб қўйишибди.

Келинг, яхшиси, шу сафар «Қўли текканнинг — оғзи тегади» мақолини тескари тушунмайлик. Зеро, улар ҳам терлаб топганини, бир сидра терлаб есин.

Ю. АБДУАЛИМОВ.
Сирдарё вилояти.

• *ТАШВИШЛИ ХАБАР*

ОХИРИ БАХАЙР БЎЛСИН-ДА...

Наманган вилоятида яшовчиларнинг кўпчилиги белгиланган миқдорда сотиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини сентябрь ойи учун ҳам ололганлари йўқ. Жумладан шакар, ўсимлик ёғи, чой ва кир совунни олишмаган.

Вилоят туманларида бундай маҳсулотлар қандай сотилмоқда? Шуни аниқлаш учун давлат назорати вилоят котетининг ходимлари қишлоқ магазинларини текширдилар. Натижада ачинарли аҳвол юз берганлиги аниқланди. Магазинларнинг кўпида белгиланган иш тартибига риоя қилинмайди: кунига икки—уч соатгина ишлайди. Тўғри, шу магазинларнинг ходимлари иш ҳақини тўла олишяпти. Сотувчилар иш вақтининг бундай қисқаришини савдода молларнинг йўқлиги билан изоҳлашга уриндилар. Бу гапларда ҳақиқат йўқ эмас. Қишлоқ магазинлари пештахталарининг бўшлиги жиҳатидан бир-бирига ўхшаб кетади.

Белгиланган миқдорда сотиладиган маҳсулотлар тўғрисида гапирсак, бундай маҳсулотлар аҳолига мунтазам етказиб берилмаяпти. Рақамлар шундан далолат бермоқда. Йил бошидан буён қишлоқ аҳли 392,4 тонна қанд-шакар, 121,4 тонна ўсимлик ёғи, 276,6 тонна кир совунни кам олди. Чунончи қишлоқ аҳли қанд-шакар билан 71,2 фоиз таъминланди. Барча туманларда ҳам шундай аҳвол бўлса кошки эди. Қаёқда дейсиз! Маълум бўлишича, матлубот уюшмалари вилоят кенгаши раҳбарлари туман бўлинмаларидан баъзиларини ёқтиришар, баъзиларини эса бошлиқлар унчалик ёқтиришмас экан. Акс ҳолда Чуст аҳолиси қанд-шакар билан атиги 55 фоиз, Косонсой аҳолиси 60 фоиз, Чортоқ, Задарё ва Учқўрғон районлари аҳолиси 65 фоиз таъминланганини қандай изоҳлаш мумкин?

Қишлоқ аҳлини кирсовун билан таъминлашда ҳам худди шундай аҳвол вужудга келган. Вилоят бўйича бу кўрсаткич 90,6 фоизни ташкил этса, Уйчи райони аҳолиси кирсовун билан 72 фоиз, Чортоқ аҳолиси 66 фоиз таъминланган. Чортоқликлар икки-уч ойлаб совун олишолмаяпти, район магазинларига ўсимлик ёғи келтиришда ҳам узилиш бўлаяпти. Айни пайтда Учқўрғон ва Поп районларининг аҳолиси кирсовунни белгиланган миқдорда тўла олган.

Маҳсулотларни белгиланган миқдорда сотиш чоғида уларни нотўғри сотишга бутунлай чек қўйилиши лозим эди. Аммо савдо ходимлари эски одатларини тарк этишолмаяпти. Уйчи районидаги магазинларнинг айримлари текширилган пайтда 157 килограмм қанд-шакар, 38 килограмм ўсимлик ёғи, 20 килограмм совун қаёққа кетганлигини ҳеч ким айтиб беролмади. Бу маҳсулотларни одамлар савдо ходимларининг айби билан харид қила олмаганликлари равшан. Шундан кейин вилоятдаги бир қанча магазинларда маҳсулотлар етарли бўлишига қарамай, улар харидорларга сотувчилар хоҳлаган миқдорда сотилганига, одамлар белгиланган миқдорда эмас, анча кам маҳсулот олганликларига ажабланмаса бўлади.

Текшириш натижаларига кўра айбдорлар жазоланди, лекин масалалар ҳал бўлмай қолаверди. Қанд-шакар ва кирсовуннинг етишмаслигини тушуниш мумкин. Лекин ўсимлик ёғи нега етишмаяпти? Ахир вилоятда иккита катта ёғ-экстракция заводи ишлаб турибди. Балки давлат назорати вилоят комитети бу заводлар фаолиятини ҳам текшириб кўрар?

Н. ХУЖАЕВА,
ЎзА мухбири.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ХОРИЖИЙ ФИРМАЛАР ЁРДАМИДА

● Хоразмда замонавий технология билан ускуналанган енгил корхоналар тармоғини кенгайтириш учун Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Жанубий Корея сингари мамлакатлар фирмалари билан алоқа ўрнатишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Уларнинг айримлари билан аллақачон амалий алоқалар йўлга қўйилди. Келишилган ҳамкорлик шартномаларига кўра Ҳиндистоннинг «Моде-Групп» фирмаси ёрдамида Ҳазорасп ип-йигирув фабрикаси жиддий реконструкция қилинади, Урганч ипак йигирув фабрикаси Хитой технологияси асосида тивитли газмол — понбархт ишлаб чиқаришни йўлга қўяди.

Туркиянинг «Нуртоб» фирмаси ёрдамида Урганч шаҳрида газмол тайёрлаш корхонаси, Дўстлик шаҳрида Германиянинг «Мерседес — Бенц» фирмаси ёрдамида енгил автомашиналар тайёрлаб чиқариладиган бўлди.

Эркин МАДРАҲИМОВ.

ШИФОБАХШ ИЧИМЛИК

● Шаҳрисабз ёғ-пишлоқ ишлаб чиқариш комбинати сутдан тўйимли маҳсулот тайёрламоқда.

Яқинда яна бир янги шифобахш маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилди. Бу ҳуштам доривор ичимлик бўлиб, қанд касаллигига мубтало бўлганларга асқотади.

БЕМОРЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

● Қашқадарё вилояти тери-таносил шифохонаси учун 60 ўринли кундузи қатнаб даволаниш бўлими ва сменада 150 кишини қабул қиладиган поликлиника бинолари қуриб битказилди.

Шифохона учун қўшимча биноларни муддатидан илгари барпо этишда қурилиш трестининг 7-механизациялашган кўчма колоннаси бинокорлари жонбозлик кўрсатдилар.

Шифохона замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Эндиликда беморлар дори-дармонлардан ташқари физиотерапия усулида ҳам даволанишлари мумкин. Лазер нури ва игна билан шифо бериш йўлга қўйилди.

Мусо КАРОМОВ.

КУЗГИ ЧАҚИРУВ НИҲОЯСИГА ЕТМОҚДА

Бухоро вилоятидан бир неча юз нафар йигит армия сафини тўлдириш учун ҳарбий хизматга жўнаб кетди. Улар орасида миллий гвардияда хизмат қилиш орзусида бўлганлар анчагина эди. Бу шарафли ва масъулиятли хизмат турига уларнинг бир қисми танлаб олинди. Ўз юртидан анча олисда хизмат қилиш истагида бўлганлар ҳам топилди. Ўзи ариза билан мурожаат этиб, ота-онаси розилиқ берган бухоролик ўнлаб йигитлар Германияда хизмат қилади.

И. САФАРОВ,
ЎзА мухбири.

• *Олим муаммо қўяди* •

АМЕРИКАЛИКЛАР ЯРАТГАНГА ВА АВТОМОБИЛГА ИШОНАДИЛАР БИЗЛАР-ЧИ?

Ҳурматли редакция!

Биз, ёшлар Американи Америка қилган унинг автомобиллари деган гапни кўп эшитганмиз. Америка автомобиллари, АҚШда автомобилга бўлган муносабат, ҳайдовчилик ҳужжати олиш тартиби ҳақида маълумот беришингизни сўраймиз.

Абдуқаюм ТИЛЛАЕВ,
Сирдарё вилояти, Гулистон райони, Боёвут қишлоғи.

Америка — бизнинг тасаввуримизда жуда камолотга етган бойваччалар давлати. Шунингдек у — осмонўпар иморатлар ва қулай автомобиллар макони, десак муболаға қилмаган бўламиз. Қизиғи шундаки, американликларнинг ўзлари бу улкан ютуқларини Яратгандан ва автомобилдан деб билишади. Бу таъбир бизларга ҳам сабоқ бўлса эди, эртанги кунимизга катта ишонч ила интилган бўлардик.

Яхшиси, бу жумбоқнинг сирлари нимада эканлигини бир бошдан мулоҳаза қилайлик. Агар менга: «Американинг Америкалигини кўрсатадиган қулай, бағри кенг автомобили қайси дейилса, «Мустанг» автомобили деб айтар эдим. Сирасини айтганда американликлар ҳам шу фикрдалар.

Бундай машиналар ғарбликларнинг қон-қонига сингиб кетган одатларини акс эттиргандек эди. «Мустанг» деган ғояни кўтарган кимса Ли Иакокка бўлиб, у ҳозир бутун жаҳонга довруғи кетган крейсерлар автомобиль уюшмаси бошлиғи вазифасини ўтамоқда. Крейсерлар президенти ўз уюшмасини таназзулга учради деб тан олгандан сўнг, «Мустанг» ғоясини биринчи бўлиб кўтарган Ли Иакокка федерал ҳукуматдан 2 миллиард қарз олди ва ишбилармонлиги туфайли бу уюшмани таназзулдан олиб чиқди.

Оқибатда Ли Иакокка американликлар олдида дадил ишбилармон киши бўлиб танилди ва у американликларнинг автомобилга интилишларини ифода этувчи миллий қаҳрамонга айланди.

Энди у яратган «Мустанг» автомобилига келсак, бу машина «Форд» уюшмасининг бозорда ўз қаддини кўтаришига имкон берди, шу машина туфайли жаҳонда шон-шуҳрат қозонди ва бойиди. «Мустанг» шу кунларда ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Лекин унинг ички ва ташқи қиёфаси сал ўзгачароқ. Хусусан, «Мустанг» ғоясига мос автомобиллар ҳозир ҳам «Форд» фирмаларида кўплаб ишлаб чиқарилмоқда, лекин улар янада кўркам ва тезюрар, электрлашган замонавий машиналар бўлиб қолди.

Нима сабабдан американликлар учун автомобиль ҳаёт-мамот омили саналади? Автомобилнинг АҚШда сув билан ҳаводек зарурлигига оид бир қанча сабаблар бор. Биринчидан, американлик халқлар саёҳатни хуш кўрадиган кишилар бўлиб, улар ўз машиналарида юриб хордик чиқарадилар. Иккинчидан, маданияти, турмуш-тирикчилиги ва маишати автомобиль билан чамбарчас боғлиқ. Хуллас, американликларнинг урф-одатлари автомобиль тимсоли даражасига кўтарилган, десак янглишмаймиз.

Нега? Чунки Америкада ҳамма нарса автомобилга асосланади. Масалан, илгарилари Американинг кўп шаҳарларида Европа шаҳарларига ўхшаш битта шох кўча бўлиб, бу кўчада магазин расталари бўлган эди. Бир нима харид этиш учун ўз уйларидан пастга тушсалар бас эди. Ҳозир эса Америка шаҳарларида марказий бозорларни шаҳар чегарасида ва баъзан шаҳар чизиғидан 15-20 километр узоқроқда жойлаштириш мақсадга мувофиқ, деб топилган. Негаки, шаҳар четида жой бисёр — автомобиль қийналмасдан бозор ичига кириб бориши мумкин.

Фақат Нью-Йорк шаҳри бундан мустасно. Бу шаҳар ҳудуди бўйича жуда катта шаҳарлар қаторига кирмайди. Лекин аҳоли жуда зич жойлашган, шаҳарга сарф қилинадиган маблағ катта. Шаҳар ичида транспорт қатнови тиғиз, шахсий машинада юриш машаққатли саналади. Шу сабабли кўплаб нью-йоркликлар бу ерда шахсий машинадан эмас, балки такси ёки жамоат транспортларидан фойдаланишни афзал кўрадилар. Шаҳар ичида шахсий машинани пулли туриш жойига қўйиш учун нарх шаҳар четидагига қараганда 10 баробар юқори. Масалан, Нью-Йоркда шаҳар четида автомашинани сақлашнинг 1 соатлик нархи 1 доллар бўлса, шаҳар марказида 10 долларни ташкил этади. Бундай тадбиркорлик шаҳар бюджетига катта даромад келтириб, атроф-муҳит тозалигига ижобий таъсир кўрсатади.

Хўш, американликлар ҳайдов қоғозини қай йўсинда оладилар, деган савол туғилиши табиий. Биринчи кунданоқ ҳайдов қоғозлари ўрнига шогирдлик рухсатномаси берилади. Бунинг учун мутасадди идораларга бир неча доллар тўланади. Шартноманинг муддати олти ойгача бўлиб, ҳавасманд киши шу давр ичида доимий ҳайдовчилик рухсатномаси бўлган киши ёнида ўтириб машина ҳайдаши мумкин. Доимий ҳайдов гувоҳномасини олиш учун эса шахсий ёки давлат томонидан очилган мактаб, колледж ёки университет ҳузуридаги курсни тугаллаши лозим. Бундай курслар асосан бир ойлик бўлиб, 30-40 соатлик ўқув дастурига мўлжалланган.

Машинаси бирор сабабга кўра юрмасдан қолган американлик ўз машинасида ўрнатилган компьютер-телефон орқали дарров яқинроқ ишлаб чиқарилган техник хизмат кўрсатиш станцияси билан хабарлашиб, қаерда турганини маълум қилади. Станция ходими зудлик билан бу жойга келиб машинани тузатади. Агар нуқсонни тузатиш каттароқ иш талаб қилса, масалан, машина кичикроқ аварияга учраса, автомобилни махсус машина ёрдамида техник хизмат станциясига ва машина эгаси эса уйига олиб бориб қўйилади. Машина зудлик билан тузатилиб, эртасига машина соҳиби ёки соҳибасининг уйига келтирилиб, тузатишга кетган сарф чекини ташлаб кетади.

Дарвоқе, тезликни ошириб юборгани учун жазолаш АҚШда ҳам бор. Агар соатига 105 километр ўрнига автомобиль 120 километр тезликда ҳаракатланса, жарима солиғи 50 долларни ташкил этади. Демак, жарима солиғи бизлар учун бир неча ойлик маошга тўғри келади. Жарима ҳақи автомобиль тезлиги ҳар бир 10 километр ошгани учун катталашиб боради. АҚШнинг баъзи штатларида уч маротаба жаримага тушган машина ҳайдовчиси бир йилгача ҳайдов ҳуқуқидан маҳрум этилади. Полиция ходимини қўлга олиш — пора бериш бўлмаган нарса. Пора берган одам ўзи қамоққа гирифтор бўлиши ҳеч гап эмас.

Кўпинча американликлар автомобили 100-120 минг километр юргач, ўз машиналарини магазин орқали дарров сотиб янгисини олишади. Янги машинанинг ўртача харид нархи 15 минг доллар атрофида. Албатта, нарх — автомобилнинг қанақа нусхадалигига ҳам боғлиқ бўлади. «Мерседес» 40 минг доллар турса, «Сатурн» 10 минг, «Хуиндай» эса 7 минг атрофида. АҚШ штатларида бир неча юз километр юрган машинанинг янгисига қараганда нархи икки-уч баравар камайиб кетади. Камбағалроқ американлик фермерлар озгина юрган машинани сотиб олишади ва уй-рўзғор ишларига ишлатишади. Катта шаҳарда 100 минг километрдан ошиқ юрган автомобиллар учун машина солиғи 2-3 баравар кўп. Бунинг сабаби: эски машина янгисига қараганда атроф-муҳитни 3-4 баравар кўпроқ ифлослантиришидир.

Ҳозирги пайтда АҚШнинг ўзида 150 мингдан ортиқроқ автомобиль ишлаб чиқарилади. Уларнинг 60 фоизидан кўпроғи дунё бозорларида харид этилади. Американи Америка қилган мўъжизалардан бири автомобилсозлик равнақидир. Автомобиль улар учун мўъжиза экан, демак уларнинг яратган билан автомобилга ишонишлари ҳам бежиз эмас.

Бизлар-чи? Бизлар нимага ишонишимиз керак? Олло Таолога шукроналар бўлсинки, 74 йил қоронғуликдан сўнг Яратганга яна интила бошладик. Автомобилсозликнинг жумҳурият тараққиёти учун сув ва ҳаводек зарурлиги ва автомобиль кўп нарсаларга қодирлиги тўғрисидаги ўйларимиз рўёбга чиқиши — Ўзбекистон Республикаси ҳукумати белгиланган режалар, тадбирлар амалда тезроқ рўёбга чиқишига боғлиқ. Бу яна тадбир билан иш кўришга ҳам боғлиқ. Шунда биз ҳам худди американликлар сингари Яратгандан сўнг автомобиль мўъжиза эканлигига тўла ишонган бўлардик.

Чунки автомобиль халқ хўжалиги турли тармоқлари тараққиётига ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг АҚШга расмий сафар режаларида, айниқса, автомобилсозликда довруғи жаҳонга тарқалган «Женерал Моторес» корпорацияси билан ҳамкорлик пойдеворини қуриш ойдинлашади, деган умиддамиз.

Худойберди МАМАТОВ,
Тошкент автомобиль ва йўллар институти профессори.

СУРАТДА: Қорақалпоғистон телерадиокомпаниясининг дуторчилар ансамбли созандалари (чапдан) Каримбой Тинибоев ва Турғунбой Қурбонов.

Б. АЛЛАШЕВ олган сурат.

• *ГАЗЕТХОН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ*

НАРХ-НАВО ИНСПЕКТОРИ КЕРАК

«Ўзбекистон овози»нинг 25 июль, 7 август, 20 август, 12 сентябрь, 13 октябрь сонларидаги «Савдодаги ғавғолар» рукни остида босилган фельетонларни ёзган мухбирлар ва таҳририят ходимларига катта миннатдорчилик билдираман, чунки бундай мавзуда қалам тебратиш осон иш эмаслигини, мухбир терговчига айланишини яхши тушунаман.

Ушбу фельетонларда санаб ўтилган жиноятларни уч гуруҳга бўлиш мумкин: 1) (Нарх жиноятлари — устига қўйиб сотиш; ортиқча ҳак олиш, харидорни алдаш).

2) Нормалаштирилган озиқ-овқат ва ноёб саноат молларни пештахтага чиқармасдан яшириш йўллар билан пуллаш.

3) Юқори савдо ташкилотларининг бефарқлигидан фойдаланиб, ҳужжатларни қалбакилаштириш, назоратни сусайтириш.

Фикримча, кўрсатилган жиноятлар ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтаётган мураккаб шароитда энг оғир жиноят ҳисобланади, бунда айблар қўйилган шахсларга нисбатан жазо чораларини кескин кучайтириш керак.

Лекин фельетонлардаги жиноятлар ҳар бир район, шаҳарда кўплаб учраб тургани сабабли солиқ инспекциялари таркибида, нарх-наво инспекторлари лавозимини жорий этиш керак, деб ўйлайман. Бу тадбир нарх-наво, аҳоли таъминотидаги бошқа нуқсонлар устидан ва бошқа қонунсизликлар юзасидан назоратни кучайтиришга ёрдам берар эди. Бундай лавозимларнинг кўзда тутилиши тасодифий эмас, чунки биринчидан, солиқ инспекцияси савдо ташкилотларига итоат этмайди, иккинчидан, оширилган нархда пулланган товарлар бўйича нархларнинг фарқи оширилган нарх билан фактурада кўрсатилган нархнинг фарқини товар сонига кўпайтириб, қонунсиз даромад миқдорини ҳисоблаш ва бюджетга олиш осонлашади. Олинган маблағ нарх-наво инспекторлари иш ҳақига баробар келса керак, деган фикрдаман. Кўрсатилган жиноятлар содир бўлганда, қўлга тушган савдо ходимлари устидан уюштирилган намунавий суд мажлиси бундай инспекторларнинг ишини баҳолашга ёрдам беради.

Бундан ташқари савдода жиноят устида қўлга тушганларни кичик фотосуратларини маҳаллий газеталарда кўрсатиш ҳам фойдали бўлади, деган фикрдаман.

Баъзан савдода шундай усуллар қўлланиладики, бу усуллар сотувчиларга қулай шароит туғдиради. Масалан, китоб магазинларидаги шартлашилган нархни олиб кўрайлик. Кўп китобхонлар бу нархнинг хусусиятини билмайди. Сотувчи қанча деса ўша нархни тўлайди. Фикримча келишилган нархдан воз кечиш керак. Чунки у китоб билан савдо қилувчилар учун қўшимча даромад манбаи. Ҳатто бундан бир ой олдин Эски Жўвадаги газета киоскасидан «Ўзбекистон тарихи ва маданияти» китоби баҳосини сўраганимда 20 сўм деган жавобни эшитдим. Уйга келиб қарасам 16 сўм экан. Шу боис шартнома нархи ўрнига ўзгармас нарх белгиланиши керак. Нарх-наво инспекторлари ана шундай ҳолларни ҳам назорат қилишлари мумкин.

Ҳикмат СОБИРОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

МОҲЛАРОЙИМ ҲАЙКАЛИ ЎРНАТИЛДИ

Жалолқудуқ районида машҳур Ойим қишлоғи бор. Ўтмишда хонларнинг назари тушган бу қишлоққа Андижон беги Раҳмонқулбий келиб-кетиб юрган. Унинг қизи Моҳларойим — Нодирабегим Марғилон хони Умархонга турмушга чиқади. Умархон Қўқон хони бўлгач, Моҳларойимнинг хоҳиши билан шу қишлоқ марказида, Қорадарё, қирғоғида арк қурдиради. У «Малика арки», «Хон ўрдаси» деб аталган. Моҳларойим ҳар йили ёз, куз ойларида шу ўрдага келиб дам олган, ижод қилган. Хон ўрдаси 1935 йилда бузилиб, ўрнига касалхона қурилган. У ҳозир ҳам мавжуд...

Моҳларойим қишлоқни обод қилдирган. Бу ердага «Тошлоқ», «Кўклам», «Далварзин», «Сой кўча» деб номланган майда қишлоқларни бирлаштириш мақсадида ўз аркига тўғри кўча чиқарган, бозор растларини кенгайтирган. Савдо дўконлари, чойхоналар, ҳунармандчилик устахоналари очилган. Қўқон, Олтиариқ, Бешариқ, Марғилон, Қашқар томонлардан деҳқонлар, ҳунармандлар кўчиб келиб, қишлоқда боғдорчилик, чорвачиликни ривожлантирган.

Моҳларойимнинг катта хизматлари эвазига обод бўлган бу қишлоқнинг довруғи бутун хонликка тарқалган ва унга Моҳларойим номи берилган. Кейинчалик Моҳларойим сўзи қисқартирилиб Ойим қишлоғи деб юритилган. Ойим қишлоғидан таниқли кишилар: Совет Иттифоқи Қаҳрамони Қўчқор Турдиев, ажойиб шоирлар Абдураззоқ Бомий, Ҳайитбой Азимов, 12 та фан доктори, 12 та фан номзоди ва бошқа машҳур кишилар етишиб чиққан.

Ойим, Дардоқ, Қизил тўқай, Тешиктош, Қўртқи қишлоқлари асосида Ойим райони ташкил этилган. Эллик тўққизинчи йилга келиб бу район тугатилган...

Қишлоқ аҳолиси Нодирабегим таваллудининг 200 йиллигини кенг нишонлашга аҳд қилди. «Ойим» жамоа хўжалиги— ширкатлар уюшмасининг раиси, республика халқ нойби Ў. Охунов, қишлоқ Кенгашининг раиси А. Қурбонов, шу қишлоқ фарзанди, Андижон вилояти ҳокими муовини О. Комилжонов ва бошқаларнинг ташаббуси билан Нодирабегим юбилейини ўтказишга қарор қилинди. Жалолқудуқ райони ҳокими томонидан маъқулланган юбилей комиссиясининг дастурига асосан Нодирабегим жамғармаси ташкил этилди. Ойимликлар бир кунлик иш ҳақини жамғарма ҳисобига ўтказдилар. Қишлоқдаги барча ташкилотлар бу ташаббусга қўшилдилар. Ҳатто республика Наврўз ҳайрия жамғарма фонди ҳам бу ташаббусга қўшилиб, 100 минг сўм пул ажратди.

Юбилей комиссиясининг қарорига мувофиқ Ойим қишлоғи марказида Нодирабегим болалар хиёбони ташкил этилди. Хиёбонда ойимлик ҳайкалтарош Нўъмонжон Мирзаабдуллаев лойиҳаси бўйича Моҳларойим ҳайкали ўрнатилди.

Ҳайкални очиш маросими катта шодиёнага айланди. Қишлоқ аҳолисига ош тортилди. Республика Наврўз ҳайрия жамғарма фонди ҳисобидан Дадахон Ёқубов шу қишлоқда яшовчи бева-бечораларга 110 минг сўмлик совға тарқатди.

Андижон вилоят маданият бошқармаси санъаткорлари сайилга келган кишиларга концерт қўйиб бердилар.

Анорбой ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси гидрометерология бошқармаси мутахассислари навбатдаги илмий сафарга отланишди.
С. ВЕЛИЧКИН олган сурат.

КЎЧАДА МУШОИРА

⊙ ХДП Қизилтепа шаҳар кенгаши оммавий-тарбиявий ишларини жонлантиришга аҳамият бермоқда.

Шаҳарнинг Ўзбекистон кўчасида қизилтепалик ижодкорлардан бир гуруҳи таклиф этилиб, мушоира ташкил қилинди. Улар ўзларининг она-юрт, инсон қадр-қиммати ва онани улуғловчи шеърларидан намуналар ўқиб, кўпчиликни хушнуд этишди.

Баҳодир ЭГАМОВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ШАХМАТ ТАНЛОВИ

ЯКУНЛОВЧИ ТОПШИРИҚЛАР

«Ўзбекистон овози» газетаси билан Республика шахмат уюшмасининг таниқли шатранж устаси Пўлатхон Саидхонов таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб ўтказаётган шахмат танлови мухлисларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Танлов ғолибини аниқлаш учун мўлжалланган жами 16 топшириқни газетада эълон қилиш кўзда тутилганди. Бугун танловнинг якунловчи топшириқларини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз. Бир ҳафта, узоғи билан 10 кундан кейин барча топшириқларнинг жавобларини текшириб кўришга имкон берамиз.

(Диаграмма)

⊙ **15-топшириқ.** Юриш қоралардан. Сиз қандай ўйнардингиз. Тўғри жавоб учун тўртта очко.



(Диаграмма)

⊙ **16-топшириқ.** Юриш оқлардан. Антиқа комбинацияни топинг. Тўғри жавоб учун тўртта очко.

[«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 18 декабрда чиқади].

• ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА •

ҚАЙНОТА

ХОШИМЖОН ака бирам қувноқ одам эдики, уни таниш-билишлари бир қоп ёнғоқ деб таърифини келтиришарди. Бировга ёмон гапи йўқ. Мабодо уни ноўрин ҳафа қилишса «қуллуқ» деб туради. Бир неча кундирки, унинг чеҳраси тунд, тез-тез қон босими ошганидан шикоят қилади. Шу ёшга кириб касалликнинг кўчасидан ўтмаган одам келин олди-ю...

Ҳамма гап тўнғич келининг аразлаб кетиб қолишида! Дилдорахон тушмагур қайнонасининг сўзини қайтармаганда, онасиникига ҳадеб бўзчининг мокисидек қатнайвермаганида ўртадан қора мушук ўтмаган бўлармиди? Келин қайнонаси билан муомалада билиб-билмай қўрслик қилди.

— Нима Сиз эриммидингиз, сўрайверасиз.

Ҳамма гап шундан бошланди. Қайнона ва келин ўртасидаги андиша пардаси кўтарилди. Келиндан битта гап, қайнонадан ўнта гап чиқди. Лекин шундай бўлсада қайнона келинни кет демади. Тилини тишлади. Аммо Дилдорахон зарда билан эшикни қарсиллатиб ёпди-да чиқиб кетди. Эртасига у эри ишдан қайтишини пойлаб қўнғироқ қилди. «Уйда бўлсангиз ул-бул нарсаларимни олиб кетаман». «Ихтиёрингиз», — деди эри.

— Хотинингни ҳеч ким уйдан ҳайдагани йўқ. Ихтиёри ўзида, — деди онаси ҳам.

Орадан ҳеч вақт ўтмай юк машинаси пайдо бўлди. Қайнона ҳам, ўғли ҳам ҳайрон. Дилдорахон ҳе йўқ, бе йўқ уйга кириб келди-да, деворлардаги гилам борми, деразанинг пардаси борми юлқаб ола бошлади. Катта тугун қилиб машинага ташиди.

Мана шу воқеага ҳам олти ой бўлди-ёв. На келининг ота-онаси, на куёвнинг ота-онаси нима гап деб бирбирларидан хол сўрашмади. Икки тарафда жим-житлик, «отишмалар» йўқ. Бу орада қизнинг отаси вилоят касалхонасининг юрак хасталиклари бўлимида «дам» олиб чиқди. Йигит отасининг қон босими икки юзга чиққанмиш.

Ойлар кетидан ойлар ўтяпти. Келин тараф куёвникидан келиб олиб кетишларини кутади, куёв тарафдагилар эса «ўзи кетган, ўзи келсин» дейди. Ўртада қайнотаналарга қийин. Ниҳоят улар ҳоли жойда — чойхонада «музокара» олиб борадиган бўлишди.

— Хотинларнинг гапига кирсак келин билан куёвга жабр қиладиганга ўхшаймиз. Ахир ўртада фарзанд бор, — деди йигитнинг отаси қудасига. — Сиз ҳам отасиз, бир чорани ўйлаб топайлик.

Нариги қуданинг чеҳраси ёриша бошлади.

— Мен сиз билан уйинларга борайин қизингизнинг, хотинингизнинг олдида бош эгиб келинни обкетгани келган бўлайин, кейин сиз қизингиз билан бизникига кириб боринглар. Сиз қизингизни обкелиб қўйган бўлинг.

Бу маслаҳат иккала қудага маъқул келди. Ҳозир шу оила уч фарзандлик бўлди. Қудалар — аёллар опа-сингил, эрлари эса ака-ука бўлиб юрибди.

МЕРОС

⊙ ЧИҒИНИ айтганда, Зокиржон калитчининг номи айтилса у яшайдиган маҳалла эсга келади. Шунинг учунми кўпчилик Зокир калитчининг маҳалласи дейишни ўзлари учун фахр деб билишади. Субҳидамми ёки оқшоммми қачон қарасангиз устанинг кўчаси гавжум. Асосан машинаси борлар. унинг хонадонига келиб туради. Ҳамманинг ҳожатини чиқаради.

Уста кўчиб кетадиган бўлди. Аслида у бу ҳақда бировга оғиз очгани йўқ. Сир сақлаяпти-ю юраги ўртаниб кетяпти. Хўш, ҳовлини-ку сотади. Ҳозир нима кўп ҳовли истаб юрганлар кўп. Лекин... уни ана шу «лекин» қийнайди. Нима қилсин? Андижондай шаҳри азимда қирқ йилча туз-намак бўлди. Ўзига қолса иссиқ ўрнидан қўзғалгиси йўқ. Аммо Тошкентдаги тўнғич ўғли сира қўймаяпти. Хўп, кўчиб кетди ҳам дейлик. Одамлар-чи? Уларнинг истиқболига ким чиқади? Узоқ-узоқлардан не умид билан келганлар тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтиб кетишидан ёмони йўқ.

Уста Зокир навбатдаги харидор кирганида беихтиёр «Шартим бор», деганини ўзи ҳам билмай қолди.

— Ие, ҳали уйнинг баҳосини бичганимиз йўғу, дарров шарт қўясизми-а?

— Ҳа, — деди уста. Бу сафар у дадил айтган гапидан қайтмайдиган ҳолатда эди. — Шартим шуки, сизни шогирдликка оламан.

— Туппа-тузук ҳунарим бор. Худога шукр пул топишнинг йўлини билиб олганмиз.

— Шартимга кўнсангиз сотаман. Бўлмаса зорим бор, зўрим йўқ.

Харидор на йўқ, на хўп деди. Улар жимгина уйнинг хоналарини кўздан кечиришди, ҳовлига разм солишди. Афтидан уй унга ёққан эди.

Шу пайт кўчадан машинанинг бўғиқ товуши келди, уста сезиб турибди, уни йўқлашяпти. Айтганидай бўлди. Қўли қоп-қора мой бир ўспирин «Зокир ака» деб чақирган куйи ҳовлига кириб келди.

— Э, ҳайрият, худо деган одамман-да, шу денг калитни мундоқ бурайман десам, синиб қолса бўладими?

— Ҳозир, ҳозир, мана бу акангизни жўнатиб юборай

Йигит ташқарига чиқиб кетди.

— Мен калит қилувчи устаман, ҳунаримни сизга ўргатаман. Рост, ўрганиб олганингиздан кейин сотиб олишингиз мумкин. Бўлмаса бошқа хўп дейдиган харидор топилиб қолар, уйни кўрдингиз...

Харидор рози бўлди.

Ҳозир уста Зокир яшаган уйда унинг ҳунари гуллаб яшнаяпти. Ҳожатманд кишилар устани йўқлаб келишадида буюртмасидан кўнгиллари тўлиб қайтади.

Муқимжон НИЁЗОВ
Андижон шаҳри.



● Тоғ йўлларида.

С. МАҲКАМОВ олган сурат-лавҳа.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ТЕНТАКСОЙДАГИ ҲИЙЛАГАРЛИК

Давлат божхона қўмитасининг Андижон вилоят бошқармаси ходимлари «Андижон-1» станциясига ҳужжатларга қараганда техник мақсадлар учун мўлжалланган 62,7 тонна ўсимлик мойи ортилган вагон-цистерна келганини аниқлашди. У Қаршидаги ёғ-экстракция заводидан Андижон ёғ-мой комбинатига жўнатилган эди.

Бироқ орадан бир кун ўтгач, вагон-цистерна Тентаксой станциясига юборилгани шубҳа уйғотди. Маълум бўлишича, нкки корхона ўртасидаги шартномани Андижон ёғ-мой комбинатининг собиқ бош бухгалтери, ҳозирда Тошкентдаги бизнес марказининг Андижон вилояти бўйича вакили А. Мамадалиев имзолаган экан.

Собиқ бош бухгалтер айни вақтда янги ташкилот номидан иш кўриб, Пахтаобод шаҳридаги «Илғор» ширкати билан тузилган шартномага мувофиқ 62,7 тонна ўсимлик мойи етказиб бериш мажбуриятини олади. Шу тариқа вагон-цистерна Андижон ёғ-мой комбинатига эмас, Тентаксой станциясига — «Илғор» ширкатига келтирилади.

Ширкат раиси Т. Тошбоев станция ходимлари билан тил бириктириб, маҳсулотнинг ғайриқонуний равишда «Қирғизнефть» бирлашмасининг темир йўл шохобчасига ўтказади. Ширкат ходимлари мойнинг 20 тоннадан ортиқ қисмини вилоят дорихоналар бошқармасининг Пахтаобод шаҳридаги тиббий таъминот омборига туширишади.

«Илғор» ширкати вакиллари «Қирғизнефть» бирлашмаси ҳудудида қўлга тушган вақтда мойнинг қолган қисми қўшни республикага жўнатиш учун тайёрлаб қўйилган экан.

Халқ ризқини қиймоқчи бўлганлар фош этилди. 1 миллион 739 минг сўмлик маҳсулот давлат фойдасига мусодара қилинди.

«САЁҲАТЧИ»ЛАР ДОҒДА ҚОЛИШДИ

Халқимиз саёҳат қилишни ёқтиради. Йилнинг қайси фаслида бўлмасин, олис юртга отланади. Бу йилгурда Самарқанд шаҳридаги «Интурист»га қарашли «Икарус» автобуси тўхтатилганда Олмаотага йўл олган айрим саёҳатчилар доғда қолишди. Автобус юкхонасида бир тонна ҳинд чойи олиб кетилаётгани аниқланди.

Қонунбузар саёҳатчиларга «чойхўрлик қилиш» насиб этмади: маҳсулот эгасига қайтарилди.

Ғ. БОЛТАБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ходими, милиция майори.
[ЎзА].

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

- ЖАМОЛ КАМОЛ ИЖОДХОНАСИДА.
- ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА: «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ
- «БОЛА ЎҒРИЛАРИ» (СУД ОЧЕРКИ)
- «КАТТАЧИЛИК ҚУРСИН» (ФЕЛЬЕТОН).

ОМОН БЎЛСИН, ИШБИЛАРМОНЛАР

● Плуг ва чизел позалари бугунги кунда анқонинг уруғи. Бунинг устига уларнинг ишлаш муддати бир йилга борса-борадики, бироқ ортмайди.

Чунки, позабоп темир ҳам, пўлат ҳам оби-тобида ишланмайди. Шунинг учун ҳам Навоий район қишлоқ хўжалик техника таъминоти ва таъмирлаш корхонаси инженер-техниклари, темирсозлар позалар «умри»ни узайтиришнинг антиқа йўлини излаб топишди. Бу ерда янги, ҳали ишлатилмаган плуг ва чизел позалари металл кукуни пуркатилган ҳолда қайта ишланади. Натижада позаларнинг ишлаш муддати 3—4 йилга узаяди. Қарабсизки, хўжаликлар ҳар йили позалар сотиб олиш ташвишидан қутилади. Энг муҳими бозор муносабатлари, қимматчилик даврида маблағ тежалади.

— Ана шу оддий ихтиро туфайли биз ҳар йили 2,5 миллион сўмни тежаб қолаяпмиз, — дейди район техника таъминоти корхонаси бошлиғи Бахтиёр Имомов. — Бунинг устига доза излаб, шаҳарма-шаҳар кезиб юрмаймиз.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

СИРДАРЁДА КЕМА СУЗАДИМИ?

● Қачонлардир қадимий турклар Йенчи Ўғиз, араблар Сайхун, греклар эса Яксарт деб атаган бу улуғ дарёда ҳам кемалар сузган. Тарихда бунга мисоллар бор.

Масалан, мўғул босқинчиларига қарши қаҳрамонона жанг қилган Темур Малик ўз аскарлари билан кичик кемалардан ташкил топган бутун бошли флотда қамалдаги Хўжанд шаҳридан Сирдарёнинг қуйи оқимларига сузиб кетгани маълум. Баъзи жойларда чуқур, баъзи жойлари эса ниҳоятда саёз бўлган Сирдарёда кемалар сузгани ростмикин? Фарғона водийси шаҳарлари ва қишлоқлари ўртасида қатнаш учун Сирдарёдан сув транспорти йўли сифатида фойдаланса бўладими?

Шу йил ёзда Фарғона шаҳридаги 2-ўрта мактабнинг тасвирий санъат муаллими Е. Зубарев бошчилигидаги 10 нафар юқори синф ўқувчилари Сирдарё бўйлаб қайиқларда сайёҳатга чиқишди. 7 та «Таймен» қайиқларига жойлашган жасур сайёҳлар сафарни Наманган вилоятининг Жумашўй қишлоғи ёнидаги қўҳна Ахсикент шаҳри харобалари яқинидан бошлашди. Аввал улар улуғ ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур қадами теккан бу ёдгорликни зиёрат қилдилар. Сўнгра тўрт кун давом этган саёҳат даврида ўқувчилар жонажон ўлка манзаралари, Сирдарёнинг ҳали ҳам ўз асл қиёфасини сақлаб қолган ёввойи ороллари табиати билан танишдилар. Ўқувчилар қайиқларда Сирдарё бўйлаб 200 километр масофани сузиб ўтишди. Дарё сафари қўшни Тожикистоннинг Чилмаҳрам қишлоғида ниҳоясига етди. Ўқувчиларга завқ-шавқ бағишлаган бу саёҳатнинг амалий зарур томонлари ҳам бор эди, албатта, Сирдарёдан йўловчи ёки юк ташишда сув йўли сифатида фойдаланиш мушкул. Аммо фарғоналик ўқувчилар Сирдарёда туристик мақсадларда сузиш мумкин эканлигини исботлашди. Ахсикент, қадимий Поп харобалари ва бошқа ёдгорликларни ўрганиш, юзлаб чақирим масофага чўзилган дарё соҳилларидаги оромгоҳлар, катта-кичик ороллари сайр қилишда қайиқлардан фойдаланиш мумкин.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Бўз район партия кенгашининг биринчи котиби Турсуной Исоқовага турмуш ўртоғи **Муҳаммаджон БЕГМАТОВнинг** бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг биология ва геофизика илмгоҳи жамоаси марҳум Ҳабиб Абдуллаевнинг рафиқаси **Фотимахон АБДУЛЛАЕВАнинг** вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига ва яқин қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими — 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-89, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича 32-26-70.
Навбатчи муҳаррир: Ш. РЎЗИЕВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди—20.20. Г—512. № 247. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.